
“ҚҮҚОН” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИДА “ЯПОН САНОАТ ПАРКИ” ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Бугун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Япониянинг “Japan DX Co., Ltd” директорлар кенгаши ижрочи раиси Сожи Сузуки бошлигидаги кунчиқар юрт ишбилармонларини қабул қилди. Учрашувда Япониянинг “Nippon Investment Operating Corporation (NIOC)” ҳамтаъсисчиси Наби Мамажан ҳам иштирок этди.

Самимий мuloқot чоғида ҳамкорлик истиқболлари, ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона вилояти делегациясининг 2022 йилнинг декабрь оиida Японияга қилган амалий ташрифи, инвестициявий келишувлар, таълим тизимидағи ўзига хос япон тажрибаси, олган таассуротлари ҳақида тұхталиб ўтди. Фарғона вилояти, жойлашган ўрни, ахолиси, мавжуд имкониятлари түғрисида маълумот берди. Вилоядта қишлоқ хўжалиги, чиқиндиларни қайта ишлаш йўналишларида ва Япон боғини ташкил этиш мақсадида япон корхоналари рўйхатдан ўтиб, фаолият бошлаганига меҳмонлар эътиборини қаратди. Шунингдек, “Япон саноат зонаси”ни ташкил этиш юзасидан тұхталиб, япониялик ишбилармонларга кўмак беришга, уларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини маълум қилди.

“Japan DX Co., Ltd” директорлар кенгаши ижрочи раиси Сожи Сузуки қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда, хусусан, Фарғонада инвесторларга яратилган имкониятларга юқори баҳо берди ва бундан самарали фойдаланишларини таъкидлади.

Мuloқot давомида томонлар ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида “Япон саноат парки” ни ташкил этиш бўйича англашув меморандумини имзоладилар. Унга кўра, Япониянинг замонавий технологияларини олиб келиш, стартап лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилгани қайд этилди.

Маълумот ўрнида, “Japan DX Co., Ltd” компанияси 2020 йилда ташкил этилган бўлиб, Марказий Осиё иқтисодий салоҳияти ва япон технологияларига асосланган ҳолда корхоналар ва бошқа ташкилотлар учун инновацион ғоялар яратиш билан шуғулланади. Корхонанинг асосий ғояларидан бири бу, Марказий Осиёни яратиладиган янги стартап лойиҳалари учун ўзига хос хаб даражасига олиб чиқишдан иборат.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-03-09 17:58:44